**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. **Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.**

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 22 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| ОПЕРАТОР: | АБОНЕНТ: |
|---|---|
| **"Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали**<br>Манзил: 140103, г.Самарканд,ул.М.Улугбека,92<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 20210000804074838397;<br>СТИР:203366731;<br>МФО:00401; АТБ "Алокабанк"<br>Тел: __(66) 240-0011, (66) 234-7574,(66) 234-7553;<br>E-mail: samtel@uztelecom.uz; | Иштихон туман 2-сон касб хунар мактаби<br>Манзил:<br>Иштихон шахри А.Темур кучаси 4 уй<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 100010860181127091901079001<br>СТИР: 204119080;<br>__________;<br>Иштихон тумани буйича Газначилик булинмаси<br>Газна х/в: 23402000300100001010.<br>Марказий банк Тошкент шахри Бош бошкармаси ХККМ МФО: 00014, СТИР: 201122919.<br>E-mail: __________; |
| **Оператор номидан:**<br>__________ **А.Э.Ражаббоев.(Ф.И.Ш)**<br>/имзо/<br>м.ў. | **Абонент номидан:**<br>С. Аблокулов **Ф.И.Ш.**<br>/имзо/<br>м.ў. |

юк. № 27012
29.06.1998 й. д/с Мардиев

8610476 2022 йил «20» январ
сонли абонент шартномасига илова

## Кўрсатиладиган хизматлар

### 1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта(сўм)

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нарх (ойлик) | Асос | Миқдори | Ой (сони) | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | | 6 |
| I. | Бир марталик тўловлар | | | | | |
| 1.1 | Бутта (шаҳар, туман) рақамидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш (бир марта тўланадиган тўлов) (смена владельца) | | 125-1/7-сонли парқномага мувофиқ амалга оширилади | | | |
| II. | Ҳар ойлик абонент тўловлари | | | | | |
| 2.1 | Бир ойлик абонент тўлови"Олий"тариф режаси (180 минут, лимитдан ортиқ сўзлашув 12 сўмдан) | | 125-1/7-сонли парқномага мувофиқ амалга оширилади | | | |
| 2.2 | Кунлмча хизмат турлари (телеграф, факс, АОН, параллель, прямой провод,пароль, соед.линия,переадр., охран.сигн. ва х.к.) | | 125-1/7-сонли парқномага мувофиқ амалга оширилади | | | |
| 2.3 | Лимитдан ортиқ сўзлашув (ўртача) | | 125-1/7-сонли парқномага мувофиқ амалга оширилади | | | |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | | | |

Жами олдиндан тўлов миқдори 600000 (олти юз минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 600000 (олти юз минг) сўмни ташкил этади. Ундан 7[illegible] (олти юз минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда ______ (______) сўм бир марталик уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

**ОПЕРАТОР:**

"Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали

Оператор номидан:

Бошлиқ ______ /А. З. Ражаббоев/
/имзо/

м.ў.

**АБОНЕНТ:**

[illegible] 2-сон касб хунар мактаби

Абонент номидан:

С. Абдукулов
/имзо/

м.ў.